*Тошкент Давлат Консерваториясининг 60 йиллигига*

# МУСИҚА — МАДАНИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

***Эътиборингизга ҳавола этаётган мусоҳабамиз маданий ҳаётимизнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган мусиқа санъатининг бугунги аҳволи, бу борада эришилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида. Суҳбатдошимиз санъатшунослик номзоди, мусиқашунос Равшан ЮНУСОВ.***

**— Равшан Юсупович! Мустақиллик ўзбек мусиқа маданиятига нималар берди, қандай ижодий ўзгаришларга сабабкор бўлди?**

— Бугунги кунда мусиқа соҳасидаги ўзгаришлар кўпроқ ижобий бўлса-да, айрим салбийлари ҳам йўқ эмас. Ижобий ўзгаришлар аввало шунда кўринадики, мусиқа маданиятимизнинг асл анъаналарига мутахассисларнинг ҳам, кенг омманинг ҳам эътибори кучайди, уни ўзлаштириш ҳаракати жонланди. Бу — мазкур соҳа илгари эътибордан четда эди, деганим эмас. Аммо фарқли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда миллий мусиқа йўналишлари юртимизда пешқадам соҳалардан бирига айланди. Агар авваллари ўзбек мусиқа маданияти собиқ иттифоқ мусиқа маданиятининг таркибий қисми сифатида ўрин тутган бўлса, эндиликда унинг мавқеи Мустақил бир давлатнинг, алоҳида миллатнинг, халқнинг мусиқа маданияти даражасига кўтарилди. Бу эса ушбу соҳада ҳам ўзлигимизни англай бошлаганимиздан далолат беради. Кейинги пайтларда ҳукуматимиз томонидан маданиятимизга, хусусан мусиқа санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарлидир. Президентимизнинг 1995 йил 20 октябрда эълон қилинган «Ўзбекистон театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони фикримизнинг исботидир. Мазкур Фармоннинг театр ва мусиқа санъати ютуқларини мустаҳкамлаш ва янада юксалтириш, маданиятнинг ушбу соҳаси ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш ҳақидаги бандлари, хусусан, Тошкент шаҳрида консерсаториянинг янги комплексини қуриш тўғрисидаги банди айни муддао бўлди. Чунки 62 йил илгари қурилган ҳозирги бино бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Яна бир мисол. Кўпчиликка маълумки, ҳозир «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуидаги қўшиқлар кўрик-танлови айни қизғин паллага кирди. Бу ниҳоятда муҳим тадбирлардандир. Зеро қўшиқ мусиқа санъатининг энг ҳозиржавоб жанрларидан бўлиб, кишиларда ватанпарварлик, халқпарварлик, эл-юртга садоқат каби олижаноб инсоний фазилатларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Қўшиқ — давлатнинг, халқнинг мўъжазгина мусиқий қиёфаси, инъикоси, деб бемалол айтиш мумкин.

Кўз илғайдиган ўзгаришлардан яна бири асли Европадан келган композиторлик соҳасига даҳлдор. Бу соҳада муаммолар кўпроқ бўлсада, халқчиликка томон бурилиш сезилмоқда. Илгари тингловчилар талаби ҳисобга олинмай, «давлат буюртмаси» бўйича ижод қилинган бўлса, эндиликда биринчи навбатда тингловчиларни ўйлаб ёзилган миллий руҳдаги асарлар дунёга келмоқда. Яна бир муҳим томони шундаки, ёш истеъдодларимиз, етук санъаткорларимизнинг хорижда, халқаро танловларда маҳоратларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар юзага келди. Узоққа бормайлик, консерваториямиз талабалари иқтидорли пианиночилардан Улуғбек Полвонов, Гулнора Олимова, Сайёра Ғафурова, Барно Ҳақназарова, Гули Жўраева, Равшан Абдуназаров, кларнетчи Искандар Муртазоев, хонанда Анна Бузаирова турли халқаро танловларда ғолиб ва совриндор ижрочилар қаторидан жой олдилар. Машҳур дуэтчи созандаларимиздан Ирина ва Максим Желеновлар эса яқинда Токиода бўлиб ўтган III Халқаро фортепиано дуэтлари танловининг Олий мукофоти — «Гран-При»га сазовар бўлдилар.

**— Республикамиздаги махсус мусиқа таълими тизимининг бугунги аҳволи сизни қониқтирадими?**

— Олдимизда турган биринчи галдаги масала — мусиқа таълими тизимини ислоҳ қилиш. Бу борада ҳозир ҳар бир ўқув юртида изланиш жараёни кечмоқда. Аммо ислоҳотни тартибли амалга ошириш, мақсадга эришиш учун республика миқёсида янги, мукаммалроқ тизим лойиҳасини ишлаб чиқиш керак. Мусиқа таълими хусусида гап бораркан, дарсликлар, қўлланмалар, нота нашрлари, чолғу асбоблари, шунингдек, техник воситалар (овоз ёзиб олиш, тинглаш аппаратлари, граммофон, магнит ёзувлари, дисклар ва ҳ. к.) ҳам сон, ҳам сифатига кўра талаб даражасида бўлиши лозимлигини унутмайлик.

Яна бир долзарб масала — тингловчиларни тарбиялаш, тўғрироғи, умуммусиқий саводхонликни, мусиқий савияни кўтариш муаммоси. Бу борада ҳали кўп ишлар олдинда турибди. Авваллари, мусиқадан саводи бор, деганда кўпроқ нотани билган одам тушуниларди. Аммо аслида нота сабоғи билан мусиқий савод ўртасида катта фарқ борлигини унутмаслик лозим.

Кишини ўйлантирадиган, баъзида ташвишга соладиган бошқа бир масала кўп овозли композиторлик ижодиёти ва унинг тақдиридир. XX аср давомида қўлга киритилган бойликни ўзлаштирилган шакл ва жанрлар борасидаги ютуқларни асраб-авайлаш билан бирга бу йўналишни ҳам ривожлантиришга зарур шарт-шароит яратилмоғи даркор.

**— Бу борада консерваториямизда олиб борилаётган ишлар ва умуман унинг фаолияти хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

— Консерватория нафақат ўқув даргоҳи, балки мусиқий тарғибот маскани ҳамдир. Негаки, йил давомида бу ерда мусиқашунослар, ижрочи ўқитувчи ва талабалар иштирокида турли концертлар намойиш этилади, илмий-назарий, илмий-амалий анжуманлар, учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилади. Ҳар йили мунтазам равишда талабалараро Илмлар куни, илмий-ижодий беллашувлар, мусиқий танловлар, жумладан, муайян бир мавзуга бағишланган энг яхши мусиқий асарлар танловини ўтказиш яхши анъанага айланиб бормоқда. Ҳозирги кунда консерваторияда 500 дан зиёд талаба таҳсил кўрмоқда. Уларга дарс берувчи ўқитувчилар орасида юксак фахрли унвонларга эга санъаткорлар, 21 профессор (улардан 4 киши санъатшунослик доктори), 70 дан ортиқ доцент (уларнинг 36 таси санъатшунослик номзоди) бор. Шунингдек, Консерватория қошида ассистент-стажерлик (ижрочилик ихтисосликлари бўйича) ва аспирантура (илмий-татқиқий йўналиш бўйича) мавжуд. Аммо, афсуски, илмий йўналиш бўйича талабгорлик сўнги йилларда анча сусайди. Баъзан ҳатто мавжуд ўринларга даъвогарлар топилмаётир.

Бизнинг битирувчиларимиз Ўзбекистондан ташқари МДҲ республикалари, АҚШ, Исроил, Швейцария, Австралия, Олмония, Туркия каби мамлакатларнинг санъат масканларида самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Консерваторияда АҚШ, Олмония, Судан, Ливия, Иордания, Болгария, Таиланд, Хитой, Жанубий Кореядан келган мусиқачилар таҳсил олдилар ва олмоқдалар. Шуни таъкидлаш жоизки, Тошкент консерваторияси мусиқий ижрочилик, бастакорлик ва мусиқашунослик соҳалари бўйича Марказий Осиё миқёсида пешқадам ўқув юрти ҳисобланади.

**— Назаримда, сўнги йилларда консерватория илмий-ижодий жамоасининг нашрий ишлар борасидаги фаолияти бирмунча сусайгандек...**

— Бу масалада гап ўз-ўзидан моддий таъминотга бориб тақалади. Нашриётлар хўжалик ҳисобига ўтганлиги туфайли давлат режалари орқали нашрлар анча қисқарди. Баъзан ниҳоятда зарур дарсликлар, қўлланмалар, нота тўпламлари йиллаб нашр юзини кўрмай ётибди. Қурби етган муаллифлар китобларини ўз ҳисобларидан чиқаришмоқда, қолганлар эса ноилож. Бу борадаги режаларимиз, очиғи, бевосита нашрий ишлар учун ажратиладиган маблағга боғлиқ.

Лекин айни вақтда бу даргоҳнинг 60 йиллиги муносабати билан консерваториямиз ҳақида мухтасар маълумот берувчи «Марказий Осиёдаги биринчи консерватория» деб номланган буклет нашр қилинди. Навбатда юбилейга атаб китоб чиқариш, консерватория тарихи музейини ташкил этиш ишлари турибди. Шунингдек, йил давомида қатор йирик ижрочилик ва хотира концертлари, республика миқёсида илмий-назарий анжуманлар ўтказиш кўзда тутилган.

**— Истиқболдаги режалар қандай?**

— Бугунги кунда республикамиз мусиқа ўқув юртларида олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж ортмоқда. Оркестрларга созандалар етишмаяпти. Бунга, эҳтимол, сўнгги йилларда консерваторияга талабаликка қабул қилиш сонининг кескин камайганлиги сабаб бўлаётгандир.

Мустақилликнинг беш йиллиги ҳамда Амир Темур бобомизнинг 660 йиллиги муносабати билан консерваторияда Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда мазкур мавзуларга бағишланган энг яхши мусиқий асарлар танловини ўтказиш режалаштирилган. Шу йил илк бор Марказий Осиё мусиқа ва санъат институтлараро мусиқий - танқидий ишлар танловини ўтказмоқчимиз. Қолаверса, ниятларимиз катта: чет эллик ҳамкасблар билан алоқаларни яхшилаш, талабалар айирбошлашни амалда синаб кўриш, мусиқа фестиваллари ўтказиш, яхши анъанага айланган Самарқанд Мусиқашунослик симпозиумини қайта тиклаш... Хуллас, барча режа ва фаолиятимиз бир мақсадга — юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали мусиқа санъати, мусиқашунослик фани ривожига муносиб ҳисса қўшишга қаратилган.

**— Равшан ака, суҳбатимиз тайёр бўлиши асносида, сиз республика Маданият ишлари вазири ўринбосари лавозимига тайинландингиз.**

**Ўйлаймизки, ўртага ташланган масалаларни ҳал этишда имкониятингиз доираси янада кенгайди. Янги ишда ва режаларингизни амалга оширишда сизга муваффақиятлар тилаб қоламиз.**

**Ирода ДАДАЖОНОВА суҳбатлашди**

# ДАЛИВОЙ ҲАМОН ДАДИЛ



Кўплар уни «Омади бор инсон-да», дейишади. Ҳақиқатдан ҳам шундаймикан? Қаҳрамонимиз — Муқимий номидаги мусиқали театрнинг етук актёри Равшан Солиҳовга шу савол билан мурожаат этганимизда, у киши бироз ўйланқираб қолдилар-да:

— Йўқ, унчалик эмас, — дедилар.

1964 йили ўрта мактабни муваффақиятли тугатган қаҳрамонимизни санъатга муҳаббат ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг мусиқали драма факультетига етаклаб келди. Аммо омади чопмади. Пойтахтдаги маданий-оқартув техникумини битиргач, яна Санъат институтига келди. Омади келдими ёки ҳақиқат қарор топдими, хуллас, бу сафар ўқишга ўтди. Устозлари Раззоқ Ҳамроевнинг йўл-йўриғи билан 1969 йили Муқимий номидаги театрга актёр бўлиб хизматга келди. Институтни муваффақиятли битириб, шу даргоҳда ижодини давом эттираверди. Бу орада армия хизматида ҳам бўлиб қайтди. Театрда яна ишини давом эттирди. Бироқ бир-икки роллар ижросидан сўнг нимадир бўлди... Ишда нималар бўлмайди, дейсиз. ўйлаб-ўйлаб театр ансамблида чанг чалишга ўтди.

Хуллас, беш йил чанг чалиб юрди. У актёрликдан ташқари, яхшигина чанг устаси ҳам эди.

Вақти-соати келиб қаҳрамонимиз яна ўз касбига қайтди, борлиғи билан ижод дарёсига шўнғиди. Ж. Жабборовнинг «Ўжарлар-79» спектаклидаги Тожибой унинг тақдирини ҳал қилувчи рол эди. Агар қойилмақом қилиб ижро этса, актёрликка қайтади, ижро этолмаса... Аммо ижродан сўнг Раззоқ Ҳамроев яна бир бор унга тан берди ва... Ҳаммаси жойига тушди.

Р. Солиҳов ҳозирги кунга қадар турли жанрдаги спектаклларда роллар ижро этиб келди. Баъзи роллар кўнгилдагидек бўлиб, ҳақиқий образ даражасига етса, баъзиларидан кўнгли қониқмасди. Аммо нима бўлганда ҳам, у жиловини бўш қўймади. Айтайлик, А. Гецадзенинг «Осмондаги дийдор»ида лейтенант Микола ролини маромига етказиш учун 10 килограмм озишига тўғри келди. Е. Шварцнинг «Оддий мўъжиза» спектаклида Овчи, Исфандиёрнинг «Ишонмасанг, ўламан» спектаклида лейтенант Акбаров, Анорнинг «Занжир» спектаклида шофёр, шоир, АТС бошлиғи ролларини ижро этди. Бу ролларни ижро этган актёр спектаклдан сўнг силласи қуриб, оёғини зўрға судраб кетарди.

Татар драматурги Т. Минуллиннинг «Дилафрўзга тўрт ошиқ» асарида Р. Солиҳов Олим Абзий ролини ижро этган.

— Олим Абзийни ҳар гал саҳнага олиб чиққанимда маза қилардим, — дейди у ўша йилларни эслаб. — Унинг ички қиёфасини, феъл-атворини юзага чиқариш учун ҳар гал янги ҳаракатлар, янги-янги репликаларни қўшгим келарди. Баъзида бунинг уддасидан чиқа олардим.



Дарҳақиқат, актёр Олим Абзийдаги ички, инсон илғамас хусусиятларни юзага чиқара олган. Актёр қиёфасининг ўзи, бунинг устига, беўхшов ҳаракатлари, тишининг орасидан гапиришлари бир томондан томошабинни кулдирса, иккинчи тарафдан Олим Абзийнинг ким эканлигини яққол очиб беради. Ҳозирда Олим Абзий ролини Равшан Солиҳовни ўзига устоз деб билган Алишер Отабоев ижро этмоқда.

Қаҳрамонимизнинг 80-йилларда яратган яна шундай ролларидан бири «Ёшликда берган кўнгил» спектаклидаги Мирзавойдир. Мирзавой раиснинг шофёри, ўзи очиқ кўнгил, ҳазилкаш, одамларга доимо самимий муносабатда, беғараз, шўх, аммо ичкиликка ишқибозроқ, у Тўлқинойни яхши кўради.

Мирзавой — Р. Солиҳов: «Вопервой, ман қизингизни жуда яхши кўраман, вопервой, кафтимда кўтариб юраман, вопервой елкамга кўтариб юраман, кейин ўзи бошимга чиқиб олади. Тушундингизми, кампиршо...» — деб қизнинг онаси Ойтош холанинг асабига текканда, томошабин бутун вужуди билан кулади. «Куёвлар конкурси» спектаклидаги Ғилмоной ролини айтмайсизми! Аввало, эркак кишининг аёл киши ролида чиқиши бутун залнинг гуррос кулишига сабаб бўлади. Актёр шу қадар ролга кириб кетадики, дабдурустдан унинг кимлигини томошабин илғай олмайди.

Яқиндагина театр жамоаси Рустам Маъдиев асари асосида «Девона» спектаклини саҳналаштириб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилди. Бунда Р. Солиҳов Ориф девона ролини ижро этди. Актёр Ориф девонада тақдиридан кул бўлиб ёнаётган бир инсонни гавдалантирган. Соқоллари ўсиб, беллари букчайиб қолган Ориф девона йиғлай-йиғлай фарзандини қидирди, унинг умри шу тарзда ўтиб кетди. Орифнинг ички дардини актёрнинг юм-юм йиғлаётган кўз ёшларидан, титроқ овозда куйлаётган ашулаларидан, яхши инсонларга қилаётган мурувватидан, ёмонни яхшидан, жоҳилни оқилдан ажрата билишидан англаш мумкин. Кинода бўлса, Ориф девонанинг тақдири бутун бир фожиадир.

Равшан Солиҳовнинг театрдаги ижоди хусусида тўхтамай гапирса арзийди. Лекин актёр нафақат театрда, балки радио, телевидение ва кинода ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, эл назарига тушган. Радиода Марям Ихтиёрова, Эргаш Каримов, Ҳусан Шарипов, Суръат Пўлатов кабилар билан ёнма-ён туриб, эрталабки дам олиш эшиттириши — «Табассум»ни кўтаринки руҳда олиб боради.

— 1983 йил Толиб Ҳамидов Пирлепес Тлегеновнинг «Бир фожеа изидан» видеофилмини олаётган экан, — дейди актёр. — Мен Мирзаҳошим Кенжаев билан бирга съёмка бўлаётган жойга бордим. У репетицияга кириб кетди, мен эса уни машинада пойлаб турардим. Шунда Толиб Ҳамидовнинг кўзлари менга тушиб, «Бу ҳам актёрми», деб сўрабдилар. Актёрлигимни билгач, Шотурсун хўжайиннинг лакейи ролини ижро этишга таклиф қилдилар. Мен йўқ демадим. Ижром маъқул келди шекилли, қайтадан дубл қилиб, мени шу ролда қолдирдилар. Шундай қилиб. Толиб ака билан яқиндан танишиб олдик. 1986 йил Исроил Тўхтаевнинг «Қабрдаги хазина» асари асосидаги видеофилмда Даливой образини яратишга таклиф этдилар. Бу рол менга шон-шуҳрат келтирди...

Дарҳақиқат, Даливой ролидан сўнг телевидениега жуда кўп мактублар келди. Р. Солиҳов қаерга гастролга бормасин, уни ўзгача бир меҳр ва ҳурмат билан кутиб олишарди. Бу видеофилмдан сўнг Равшанжон Э. Мусаев ва Э. Раимовларнинг «Дардисар» видеофилмида, С. Сиёевнинг «Бозор кўрмаган йигит»ида Аслхўжа, Тоҳир Маликнинг «Сўнгги ўқ»ида Шоқол ўғри, режиссёр Саид Мухторнинг «Афандининг беш хотини» видеофилмида Қодир банги ва «Тандир операцияси»да истеъфодаги милиционер, Н. Норқобиловнинг «Қуёш ботмайдиган ўлка»сида Тўйчининг отаси ролларини маромига етказиб ижро этди.

Энг етук талант эгаларининг ҳам маромига етмаган ижролари бор. Бундай роллари борлигини баъзи актёрлар тан олгилари келмайди. Шундай савол билан қаҳрамонимизга мурожаат этдик:

— Бор шундай кўнглим тўлмаган ролларим. Аммо қайтадан ишлашга имкон бўлмаган. Ростини айтишим лозим. Битта рол учун қанча вақт, куч-ғайрат, баъзида уйқусиз тунлар сарф бўлади. Албатта, дабдурустдан унинг муваффақиятсиз чиққанини тан олиш мушкул. Буни эса вақт исботлайди.

**Саидахон СОТИМХОН қизи**

*Насиба МАҚСУДОВА:*

# ҚОНИҚМАСЛИК ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

***Насиба Мақсудовани Ўзбекистон телевидениесининг кўзга кўринган сухандонларидан бири сифатида ёшу қари бирдек танийди. Ўз касбининг фидойиси бўлган бу аёл ҳақида бу сафар ана шундай мақтовларни такрорловчи ёки таржимаи ҳол тарзида мақола ёзишдан чекиндик. Бугун ўзи ва иш фаолияти хусусидаги тафсилотларни қаҳрамонимизнинг ўзи баён қилади.***

— Ҳозир ўйлаб қарасам, илгари, дастлаб иш бошлаган вақтимда дикторлик иши анчагина осон ва оддий бўлган экан. Шу касбнинг бошини тутганимга ҳам ўттиз йил бўлди. Замон ўзгариб, турмуш тарзимиз юксалиб боргани сайин телевидение ва унинг ижодкорлари фаолияти ҳам ўзгариб бормоқда. Кундан-кунга телеижодкорларнинг томошабинлар олдидаги масъулияти ортмоқда. Айниқса, бугунги кунда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида телевидениенинг ўрни ва вазифаси ниҳоятда масъулиятли.

Тўғрисини айтганда, ҳозир Ўзбекистон телевидениеси фаолияти ҳақида турлича фикрлар, кўпроқ танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бир томондан алам қилади, одамга. Эҳтимол, шундай бўлгани ҳам яхшидир. Чунки мана шу алам, ҳар биримизни талаб даражасида ишлаш йўлларини излашга ундайди. Агар ҳар бир ходим сидқидилдан ишласа, изланса, ўйланган ният амалга ошади, албатта.

Боя айтганимдек, илгари ишимиз анчагина жўн эди. Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярмида, устозим Уктам Жобировнинг (у кишини Аллоҳ раҳмат қилсин) маслаҳатлари билан шу касбни танлаган кезларим, диктор тайёр матнни ўқиб бериш билан чекланар эди. Жонли суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, ўзаро мулоқотлар жуда кам бўларди. Энди-чи? Биргина «Ассалом, Ўзбекистон» кўрсатувини олайлик. Таҳририятда қирқдан ортиқ ходим бор. Ҳар кунги кўрсатув рўйхат асосида тақсимланган. Бинобарин, ҳафтасига бир марта кўрсатув тайёрлашимиз лозим. Демак, бу дастурни тайёрлаш учун бир ҳафта вақт кетади. Камида бир ҳафта! Бугунги кўрсатув тугадими, кейингиси ҳақида режалар туза бошлаймиз. Баъзан икки-уч ҳафта кейинга мўлжалланган кўрсатувлар устида бош қотиришга ҳам тўғри келади. Чунки турли саналар, байрамларда шу кунларга муносиб суҳбатдошлар топиш зарур бўлади. Суҳбат жонли ўтиши учун турли соҳаларга доир адабиётларни кузатиб боришга тўғри келади. Эрталабдан экран қаршисига ўтирган томошабин кайфиятини кўтарадиган, унга маъқул келадиган суҳбат қуриш ниятида фавқулодда қизиқарли, теша тегмаган саволлар топсам севинаман. Суҳбатимиз ҳам кўтаринки руҳда ўтади. Шу мақсадда кундалик матбуотни битта қўймай кузатиб бораман.

Телекўрсатувнинг жонли ва ёқимли чиқиши учун муҳим бўлган шартлардан яна бири — нутқ ва нутқ маданияти!

Қанчалик гапдон бўлмайлик, ҳар сафар телекамера рўпарасига борганда, бир зум бўлса-да, ҳаяжон босади. «Сўздан адашиб қолмай-да!» деган хавотир бир зум кўнгилдан ўтади. Суҳбатдошлар ҳар хил бўлади. Эмин-эркин гапирадигани кўп. Айримлар эса студияга кирган заҳоти сўзларини йўқотиб қўйишади, баъзан кўпни кўрганлар ҳам «лом-мим» деёлмай қолишади. Шунда биз, «мезбон»лар ҳушёр бўлишимиз лозим. Суҳбатдошга далда бериш, гапиртириш масъулияти бизнинг зиммамизга тушади.

Кўрсатув тайёр бўлиб, намойиш қилингач, у ҳақдаги фикр-мулоҳазалар бошланади: қандай чиқди, ютуғи нимадаю, камчилиги нимада? Бундан ҳам қизиқарлироқ қилиш мумкин эдими? Шуларни ўйлайверасан киши. Тўғриси, юз фоиз кўнгил тўлди, деб айта оладиган кўрсатув кам бўлади. Эҳтимол бу табиий ҳолдир. Чунки қониқиш — фикрий изланишни чеклайди. Ижоднинг эса чеки йўқ. Шунинг учун қониқмаслик ҳамиша изланишга ундайди. Умуман, миллионлаб томошабинга маъқул келадиган кўрсатув тайёрлаш учун тиним билмаслик, бир ерда депсиниб қолмаслик, ижодий ўрганишга интилиш керак. Ишимизнинг масъулияти шу қадар оғир! Ана шу масъулиятни ҳис қилиб ишлаш эса янги-янги ижод қирраларининг очилишига туртки бўлади.

**Заҳро АЗИЗОВА ёзиб олди**

# «ТЎЙ ЎРНИГА ТОМОША»

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон ўзбек давлат драма театрида «Тўй ўрнига томоша» деб номланган икки пардали ҳангоманинг жамоатчилик кўриги бўлди.

Туроб Акбархўжаев қаламига мансуб бу асарни театр бош режиссёри Равшан Ёриев саҳналаштирган. Саҳна безаклари ёш мусаввир Зокир Қобулов томонидан ишланган. Ҳангомадаги бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муҳаббат Йўлдошева, иқтидорли саҳна соҳибларидан Искандар Султонов, Гулистон Жабборова, Маҳбуба Шерова ҳамда бошқалар ижро этишаётир.

**Абдуазиз ҲОШИМОВ**

*Қардошлар учрашганда*

# ИЖОДНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Ўтган йилнинг охирида Бошқирдистон Маданият вазирлиги, Ёзувчилар бирлиги ҳамда Мажид Ғафурий номидаги Бошқирд академик драма театри Бошқирдистон халқ артисти, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган артист, шоира Рағида хоним Саидғали қизи Янбулатова таваллудининг 80 йиллигини ўтказди.

Ярим асрдан ортиқ халқ олқишига сазовор бўлиб келаётган бу санъаткор 1915 йили Бошқирдистоннинг Қўшнорин туманидаги Боқий овулида, деҳқон оиласида дунёга келади. Ўсмирлик йиллари Қора Идел туманининг Бозраш овулида ўтади. Ёшлигидан бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнаша бошлайди ва бу қизиқиш Рағида хонимни Уфа театр билим юртига олиб келади. 1935 йили бу даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, саҳнага бағишланган умрини Бошқирд академик театри билан боғлайди.

Табиат берган гўзаллик, нозик туйғулар, мунгли овоз, бетакрор истеъдод Рағида хонимни томошабинларнинг севимли санъаткорига айлантиради. Бошқирд драматурги Қодир Даёнинг «Тонгчўлпон» асаридаги Тонгчўлпон, Чингиз Айтматовнинг «момо ер» асаридаги Тўлғоной, Нажиб Ҳасанбоевнинг «Райса»сидаги Райса, «Ғолиябону»даги Ғолиябону, Ҳ. Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи»сидаги Жамила ва шунга ўхшаш бир неча ўнлаб бетакрор образлар яратди. Рағида хоним ижодининг гўзал қирраларидан бири унинг ажойиб шеъриятидир. Унинг шеъриятидаги ҳис-туйғулар теранлиги, дардли оҳанги билан ниҳоятда қўшиқбоп. Шу туфайли кўпгина шеърларига бастакорлар мусиқа басталанганлар. Рағида хоним либретто, пиеса ҳамда комедиялар муаллифи ҳамдир. Таржимон сифатида драматик асарларни бошқирд тилига ўгиришда эътиборга молик ишларни амалга оширган. Калдерон, Любимов, Тўқоев, Гусев, Айтматов, Абдулла Қаҳҳор, Тагор асарлари шулар жумласидан.

Рағида хонимнинг оиласи тўла маънодаги санъаткорлар оиласидир. Отелло ролининг моҳир ижрочиси, халқ артисти, машҳур Арслон Мубораков (марҳум) унинг турмуш ўртоғи эди. Уларнинг қизлари Гули Муборакова халқ артисти, режиссёр, фан доктори, профессор сифатида кўпчиликка маълум.



Шу ўринда 1957 йили Тошкентда бўлиб ўтган бир воқеани эсга олиш ўринлидир. Ўша йили Бошқирд академик театри Тошкентга гастролга келади. «Отелло» ролини жуда меъёрига етказиб, қойилмақом ижро этадиган ўзбек артисти Аброр Ҳидоятов борлигини билиб, биз Шекспирнинг бу асарини сафар репертуаридан олиб ташладик,-деб эслайди театрнинг ўша пайтдаги директори. — Шу туфайли Дездемона ролини ижро этувчи Зайтуна Бекбулатова ҳам, Яго ролида саҳнага чиқувчи Рифқат Файзи ҳам Уфада қолишади. Тошкентта келишгач, Аброр Ҳидоятов ва бошқа санъаткорлар «Отелло»ни Бошқирд театри ижросида кўриш истагини билдиришади. «Мен буюк Арслон Мубораков ижросини кўрмоқчиман»,-дейди Аброр Ҳидоятов.

— Бизнинг Дездемона ҳам, Яго ҳам бу ерда йўқ, улар Уфада қолишди,-дейди театр директори.

— Дездемона бор!-дейди шунда Рағида хоним.

— Ким?

— Мен! Мен уни Арслон ёрдамида бўш пайтларимда мустақил тайёрлаганман.

— Яго бизда бор-дейишади ўзбек қардошлар. Ва халқ артисти Наби Раҳимов Яго ролини ижро этишга тайёргарлик кўра бошлайди. «Ҳамза» театри ўз декорациялари ва либосларини тақдим этади. Театр биноси кичиклиги туфайли, бошқирд «Отелло»сини Тошкентнинг энг катта боғи — «Марказий истироҳат боғи»да қўйишга қарор қилишади. Парда очилиб, саҳнада Отелло ва Дездемона кўриниши билан, минглаб томошабинлар тик туришиб, Арслон Мубораков ҳамда Рағида хонимни олқишлашади.

Арслон Мубораков — Отелло ўзининг энг масъулятли монологини бошлаб: «-Нега чақмоқ чақиб, яшин урмасин? Ёки фақат яшнаш учунми у?»-деган сўзларини айтиб тугатиши билан ҳавонинг авзойи бузилиб, осмонни қопқара булут қоплаб, қисқа муддатли кучли ёмғир ёғиб ўтади. Томошабинлар орасида «Аллоҳ эшитди», «Худо эшитди», деган сўзлар эшитилади.

Спектаклдан сўнг Аброр Ҳидоятов ҳамда унинг рафиқаси Сора Эшонтўраева бир қучоқ гул кўтариб саҳнага чиқишади.

— Сен мендан ҳам қойилладинг, буюк бошқирд! Ана, ўзингнинг кучли руҳинг, даҳшатли товушинг билан, осмонда яшин яшнатдинг, бутун табиатни титратдинг,-дейди Аброр Ҳидоятов кўз ёшларини арта туриб. У киши бетоб ётган жойидан, бемор тўшакдан туриб келган экан...

— Дездемонанг учун катта раҳмат! Жуда яхши ижро этдинг, жонгинам,-дейди Сора Эшонтўраева Рағида хонимни бағрига босиб,-ўзининг ҳам лолақизғалдоқдек гўзал экансан!...

Кўриб турибсизки, бошқирд халқининг бу улуғ санъаткори ўзбекнинг буюк санъаткорлари таҳсинига, томошабинларнинг эътирофига сазовор бўлган. Бу воқеа унинг ижодий биографиясидан бир лавҳа, холос. Шунга ўхшаш воқеалар Рағида хоним ҳаётида жуда кўп.

Ҳа, Рағида хоним тиним билмас, серқирра, халқ севган ижодкор. Илоё, фарзандларингиз, шогирдларингиз, мухлисларингиз бахтига, қувончига соғ-саломат бўлинг, Рағида хоним.

**Рустам ЯҲЁ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот маркази ходими**

# Менинг жайдари ҳомийларим

— Мана китоб тайёр! Битта бели бақувват ҳомий топсангиз, ишингиз беш-да!

Йўргакдаги китобим қўлёзмасини нашриётдан олиб, йўлга тушдим. Кимга айтиб, кимга йиғлай бу китобим дардини... Қаерга борсамa? Топдим! Мактабдош дўстларимдан бири колхозга раис. Ўлдими, битта китобга маблағ топмаса. Йўқ демас...

— Ёзувчи оғайнимдан айланай, сенлайми, сизлайми... Ахир сен катта... одамсан. Бутун ер юзи танийди, ҳи-ҳи... — деди белимдан олиб айлантираркан раис. — Ҳа, келмайсанми мундай, баҳонангда биз ҳам бир оёқ узатсак...

— Раҳмат, Шодивой, тарвуздек бошимни бедана тухумидек қилиб келдим. Қўлламасанг бўлмайди...

— Дардингни олай, буғдойми, арпами, сомонми, нима керак?

— Э, айтганларинг ўзингга сийлов. Агар колхознинг номи тарихда қолсин десанг, озроқ маблағ топасан.

— Хўш-хўш, ҳайкал қурдирасанми, музей очасанми?

— Йўғ-е, ҳикояларимни тўплаб чиқармоқчиман. Муҳокамадан ўтди. Энди сенга ўхшаган ошналар ҳомийлик қилса, китоб қўлтиқда.

— Оббо, қалтис жойдан олдинг-ку. Ҳай, майли, гап 100—200 мингда эмас. Қани китоб?

Мен қўлёзма солинган папкани узатдим.

— О-ҳо, анча оғир-ку. Бир қоп пулнинг бошини ейди бунинг. Лекин гап унда эмас. Сендақа ёзувчи юз йилда бир келади. Ёзувчилар кўп, лекин сен жигаримсан. Кўнгилни тахт қил. Энди, гап бундай. Рас, китобда бизнинг колхоз ҳомий сифатида ёзилар экан, бир кўздан кечирамиз-да, майлими?

— Ахир нашриётда катта-катта муҳаррирлар кўрган бўлса... Бунинг устига чоп этишга рухсат беришган. Фақат озроқ пул топилса...

— Ҳа, балли. Пул биздан. Оддийроқ қилиб айтсам, китобингни харидори биз. Шундай бўлгач, танишиб чиқишимиз керак-да...

— Ихтиёринг. Фақат тезроқ...

— Хавотир олма. Кўз очиб юмгунча китобинг нашриётда деявер.

Орадан бир ҳафта ўтказиб оғайнимни йўқладим.

— Қаерларда юрибсан, бўтам? Телефон қиламан, тополмайман. Китобингни ўқидим. Воҳ! Фақат «Сендан угина»ю, «Борига барака» деган ҳикояларинг менга сал ўтиришмади. Ахир бизнесменларни чайқовчи дебсан. Ҳозир чайқовчи қоптими? Биз бизнесменларни ҳурмат қиламиз. Бензину соляркадан ёрдам қилиб турибди. Ке, шуларнинг кўнглига тегмайлик. Шу ҳикояларинг баҳридан ўт. Катта китобдан тўрт варақ камайса, осмон узилиб дарёга тушиб кетмас. Бошқа китобларингга қўшарсан.

— Шундайку-я... ҳай, майли, тўплам қани?

— Маданий ишлар бўйича ўринбосаримга топширдим. Ёзувчи оғайнимнинг китобини ўқиб, бир маза қил, дедим. Гаплашиб чиқасанми?

Кўнглимнинг бир четида нўхатдек доғ пайдо бўлганини сездирмай, раис ўринбосарига рўпара бўлдим.

— Э, э, муаллим, келинг. Раис айтганидан бери кутаман. Бир оғиз сўзингизни эшитаманми, деб. Қани, чойга марҳамат...

—Китоб сизда экан... — дедим чойни ҳўплаяркнман.

— Ўқидим. Колхозимизни номини достон қилса арзигулик китоб. Яшанг! Лекин мен сизга айтсам, ёзувчи эмасману, улуғ-улуғ ёзувчиларни ўқиганман. Шунинг учун, агар кўнглингизга олмасангиз, бир ўқувчи сифатида учта ҳикоянгизга салгина эътирозим бор. Қаранг, «Қора ўчоқ»да аёлларни аянчли қилиб тасвирлабсиз... Айниқса Шоҳистанинг этагини куйдириб олгани... Бир қараганда, ҳикоя ёмон эмас. Аммо, ўзингиз айтинг, китоб бир кунлик эмас, ўн кунлик эмас, шундайми? Ҳа, балли. Ахир ўн йил, юз йилдан кейин ҳам уни ўқийдиганлар топилади. Шунда келгуси авлод бизга кулмайдими? Мана Навоийни ўқинг. Фузулийни ўқинг, бирор жойда ўчоқ, аниқроғи, қора ўчоқ ҳақида ёзганми? Йўқ! Ҳолбуки ,ўша замонда ҳам газ бўлмаган. Чунки бизга кулги бўлишни истамаган.

— Бир ҳисобда... тўғри. Хўш, яна?

— Ана, ўзингиз ҳам тушуняпсиз. Энди «Пиёдалар»га келсак. Шу вақтда ким пиёда юради? Бўлиши мумкин, ишнинг кўзини биладиган бир-иккита лаллаймалар. Орадан икки-уч йил ўтиб, умуман пиёда юрувчилар қолмаса-чи? Бу китоб кимга керак? Ё нотўғрими? Офарин! Ёки «Чилдирма»ни олинг. Мендан ранжимангу, муаллим, маданий ишлар мутассаддиси сифатида бу ҳикояга мутлақо қаршиман. Қишлоқ клубидаги арзимаган тешик чилдирма деб, бутун ер шарига шарманда бўлиши хоҳламайман.

— Ахир бу ҳикоя-ку...

— Тўғри, лекин китобнинг биринчи бетида бизнинг колхоз спонсор, яъни ҳомий деб ёзиладими? Балли. Юзга киринг! Тушунган бор, тушунмаган бор.

— Хўп... тўпламни олсам бўладими?

— Олишингиз мумкин. Фақат эрталаб экономистимизга бергандим, бир кўздан кечирсин, деб.

Бахтга қарши экономист туманга кетибди. Шодивой ҳам қаергадир жуфтакни ростлабди. Шалвираб қайтдим. Нашриётга сим қоқиб, ҳомий топганимни хабар қилиб, тез кунда тўпламни етказишга ваъда бердим. Йўқ, шошган эканман. Ўн кун ўтказиб колхозга келгач, китоб чиқаришга ҳали эрталигини билдим. Азбаройи пиримнинг арвоҳи, мен бекорга нашриёт эшигида оқсакич чайнаб юрган эканман. Муҳаррирларнинг зўри колхозда экан. Экономист «Қитмир», «Тарози»ни ўчирган бўлса, бош зоотехник «Туёғи қани?», «Одам оласи...»нинг устига чизиқ тортибди. Омбор мудири ҳам тўпламни қўлга олган шекилли, «Каламуш» деган ҳикоям тўрт рангда «бўялган». Таҳрирдан бош бухгалтер ҳам четда қолмабди. Битта ҳикоя тепасига «виза» қўйибди: «Рози эмасман. Шахсга тегадиган сўзлар бор. Ёзувчидан узр сўрайман...»

Тўла таҳрирдан ўтган китобни котиба қўлидан олиб раисга учрадим.

— Э, оғайни қаерда юрибсан? Китобингни ўқидик. Бемалол...

— Саватга ташлаб кетавер, демоқчимисан?

— Ҳа, нега афтингни қариган бодрингдай бужмайтирасан. Мен сенга ёрдам қилай десам...

— Ёрдаминг қурсин. Мана, атиги иккита ҳикоя қолибди. Шуниям бирида белги бор...

— Оббо азаматлар-е... Роса элакдан ўтказишибди-да. Бўлмаса, бундай қиламиз. Бошқа ҳеч кимга кўрсатма. Шу иккита ҳикоянгни бостиришга ўзим бош бўламан. Қишлоқ медпункти мудири «СПИД-ҳалокат» деган брошюрасини колхоз ҳисобидан чиқаряпти. Гаплашаман, охирига икки варақ қўшиб, сеникини ҳам босишсин. Буёғини менга қўйиб бер. Бўптими?

Бошим айланиб ғулдирайман:

— СПИД-ҳалокат... спид-ҳикоянг... Хайр менинг «СПИД» ўқийдиган ҳомийларим...

**Эгамназар СОҲИБНАЗАРОВ**

*Тўра СУЛАЙМОН*

# ПАПОҚ

Жўқийликда ном чиқарган бир хашаки бадикнинг иши юришавермабди: бўлар-бўлмас баёзларини китобхонларнинг қўлида эмас, носфурушларнинг ёнида кўраверib тоқати тоқ бўлиб... Шогирд устоздан ўтади, деган ҳикматни эшитган экан. Бироқ орадан ойлар ўтса ҳам, йиллар кечса ҳам, устозидан ўта олмабди. Ўтиш у ёқда турсин, ҳатто ёнига ёндошиб, қўлларига сув қуйиш бахтига ҳам муяссар бўлмабди. Ўйлай-ўйлай, охири ирим учун устозининг шерозий папоғини ўғирлашни ният қилибди. Ниятига етибди ҳам. Ўша кундан эътиборан табаррук папоқни гоҳида кийиб, гоҳида бошига қўйиб ётишни одат қилибди. Лекин илҳом париси на эшикдан кирибди, на тешикдан... Ажаб ҳолни кўриб-билиб юрган устоз «садоқатли» шогирдни учратиб қолса:

— Ишни бошда хом қилган кўринасиз. Асли ўшанда бош буюм ўрнига бошнинг ўзини... — деб пичинг қилар экан.

Ахийри сир очилибди, барчага ошкор бўлибди. Жўқий эса жўқийчилик касбини кафанлаб, ота касбига қайтибди — бозорга даллол бўлиб кетибди.

* * *

# «ҚЎШМАЧИ»

## (Ҳазил)

— Оббо бобой-ей, шундай қилиб Тошканни бозорлаб кетвопман денг?

— Шундай, ўлим, шундай. Бир дуварамнинг бошини икки қилиш тараддусида... Энди ўзингиздан сўрасак? Жўл бўлсин, ўлим?

— Менми? Мен, нима десам экан, шоирман. Қишлоқ ҳаётини, қишлоқликларнинг туриш-турмушларини ўрганиш учун...

— Э-э, ҳали мен шоирминан гаплашиб кетиб баражатиппанма? Қани, қани, ғазал жазған қўлингизни қайта олиб, қайта кўришип қўяйлик эмасам. Ўйдагиларга роса мақтаниб борадиган бўппанда, бир шойирди тириклай кўрдим, деб. Бир эмас, керак бўлса икки марта кўришдим, деб. Тошкеннан то Қўрғонгача гаплаша келдим, деб. Улар ҳам ўзимизга ўхшаган простой одам бўлар экан, деб. Китоб жозғани келажатқан экан, деб. Телевизирда кўриш бошқа, ўзини кўриш бошқа бўлар экан, деб.

— Жа унчалик эмас, бобой. Жа ошириб юбордингиз. Простой бўлмасам қишлоқ ҳаётини ўрганиш учун чанг босиб, чанг ютгани қишлоққа борармидим.

— Тўври айтасиз, шойир ўлим. Тўври айтасиз. Простойликда гап кўп. Бизлар айтар гапимизди эплаб гапиралмаймиз. Китоб жазиш! Эҳа. Худо сизларга ғойибдан берганда, ўлим. Энди шу китобди қайтиб жазасизлар? Фаришта-маришталар айтиб турама, ё ўзларингиз? Қийинма? Рангу рўйингизга қараганда, қийинга ўхшаб кўринади. Сир бўлмаса, ўлим...

— Бунинг ҳеч қандай сири-секрети йўқ, бобой. Мисол учун бир йигитни танлаб унга бир қизни севдирамиз. Бошда қиз бироз қийиқлик қилади. Йигит ҳам бўш келмайди. Ахири уларни ё бир булоқ бўйида, ё мажнунтол тагида учраштирамиз. Бу ишнинг пишгани. Буни бизнинг тилимизда... Барибир бунақа гапларни сиз тушунмайсиз, бобой. Кейин тўй бўлади. Кўриб турибсизки, китоб тайёр. Икки ёш бахтиёр. Тушунарлими, бобой?

— Тушунарли, ўлим, тушунарли. Унда сизди шойир демасдан «ҚЎШМАЧИ» деса ҳам бўлар экан. Тўғрима, ўлим?






Рассом Б. ТОЖИБОЕВ

*Тадқиқот, ахборот*

# Элиг — биринчи ёзма туркий сўз

Туркшунослик фанида араб ёки уйғур ёзувидаги биринчи туркий сўз номаълум бўлсада, руник ёзувидаги биринчи ёзма сўз маълум. Бу элиг бўлиб эл ва -иг бирикмасидан иборат. Унинг луғавий маъноси давлат бошлиғи, демакдир. Бу йил ушбу сўзни гранит тошга ўйиб ёзилганига 1305 йил тўлди. Туркшуносликда бу сўз қайд этилган, ёдгорлик шарқий Гоби ҳудудида топилгани учун фанда Чойрэн ёдгорлиги деб аталади. Чойрэн ёдгорлиги иккинчи турк хоқонлигига асос солган, мустақиллик учун курашчи Элтариш номи билан боғлиқ. Йирик туркшунос С.Г. Кляшторний кўрсатишича, Элтариш хоқон босқинчиларга қарши озодлик ҳаракатига бошчилик қилган. Бу жасур қаҳрамон 691 йилнинг ноябр ойида вафот этган, Ёдгорлик эса, олим фикрига кўра, 688-691-йиллар оралиғида ёзилган. Агар ушбу сананинг охирги нуқтаси, яъни 691 йил ҳисобга олинса, ёдгорлик бундан 1305 йил илгари битилган бўлади. Унинг узунлиги 1м. 32 см, эни 41 см. Ундаги жами 20 сўз олти қаторга жойлаштирилган. Ёдгорликда биринчи элигдан ташқари яна қуйидаги сўзлар учрайди: йэти (юборди), сабин (севин), борунг (боринг), элтариш, қоғонқа, тўн (тўнғич сўзнинг ўзаги), билга (доно), тўн, йаган (ҳарбий унвон), эркин (ҳарбий унвон), йати (етти), қа (қариндош сўзининг ўзаги), адурулмас (айрилмас), тутунузда (турингиз), Тўнйуқуқ, этдим, ирқ (башорат), чун (?), ағул (ўғил), банга (менга).

Фанда ҳамиша изланишлар бўлади, келажакда янги манбалар топилиши мумкин. Аммо ҳозирча энг қадимги ёзма туркий сўз юқоридаги ёдгорликда учрайди. Бу санани шартли равишда ёзма туркий сўзнинг «туғилган» куни, дейиш мумкин. Тўғри, ўқувчилар ушбу сатрлар муаллифига ундан олдин ҳам ёзилган битиклар бор-ку, дейишлари мумкин. Лекин улар тўрт жиҳатдан номукаммал: биринчидан, график жиҳатдан; иккинчидан, санаси номаълум; учинчидан, сўз маъноси ноаниқ ва ниҳоят, уларда тугал фикр йўқ.

**Эргаш УМАРОВ**

# Жаҳон кулади

Хонадонга кирган ўғри уй соҳибасига пичоқ ўқталди:

— Пулларинг қаерда эканлигини айтмасанг, ўлдираман.

— Айтсам қўл текизмайсанми, — деди қўрқинчдан титраб аёл.

— Қўл текизмайман.

— Қасам ич.

— Қўл текизсам худо урсин.

— Пулим омонат кассада.

* * *

Судя:

— Нима учун қалбаки пул ясадингиз?

Судланувчи:

— Ҳақиқийсини ясаш қўлимдан келмайди.

* * *

— Бу ҳайкал номаълум денгизчи Яков Абрамович Рабиновичга ўрнатилган, — деди сайёҳлик бюроси ходимаси меҳмонларга.

— Исм-шарифи аниқ бўлса, нега номаълум деяпсиз? — сўради меҳмонлардан бири.

— Унинг денгизчи бўлган ёки бўлмагани номаълум-да.

* * *

Абрам Хаимга деди:

— Хаим, хотининг сенга хиёнат қилаяпти.

— Қаерда?

— Диванда.

Орадан бир ҳафта ўтгач:

— Хаим, бирор чора кўрдингми?

— Ҳа.

— Нима қилдинг?

— Диванни сотиб юбордим.

* * *

— Рабинович, нега бунча кайфиятинг йўқ?

—Мени райкомнинг биринчи котиблигидан олишди.

— Нима учун?

— Қайсидир чақимчи юқоридагиларга партиясиз эканлигимни сотиб қўйибди.

* * *

Битта китобдан кўчириш — кўчирмакашлик.

Иккита китобдан кўчириш — қурамачилик.

Учта китобдан кўчириш — докторлик диссертацияси.

Тўртта китобдан кўчириш — бешинчи илмий китоб.

* * *

Кекса актёр театр директорига деди:

— Театрда ишлаётганимга 20 йилдан ошди. Менинг моддий аҳволимни яхшилаш тўғрисида бир ўйлаб кўрсангиз яхши бўларди.

— Яхши. Мен айтиб қўяман. Бундан буён саҳнада овқатланадиган ролларнинг ҳаммасини сизга беришади.

* * *

Айиқ, бўри ва қуён ҳарбий хизматга бориш учун тиббий кўрикдан ўтарди. Айиқ ва бўрини дўхтирлар яроқли деб топишди. Шунинг учун икковининг ҳам кайфияти ёмон эди. Бир пайт қуён чиқиб димоғи чоғ ҳолда деди:

— Мен аскарликка бормайман. Тиббий комиссиядан ўтолмадим.

— Нега сени ўтказишмади? Ахир сен мутлақо соғсан-ку.

— Ҳў, анови тоғни кўряпсизларми?

— Ҳа,

— Ундаги оқ қайинни-чи?

— Кўряпмиз.

— Қайиннинг ҳов анави сарғайиб қолган баргини-чи?

— Кўряпмиз.

— Ерда ётган кичкина баргчаничи?

— Униям кўряпмиз.

— Мен эса қайиннинг ўзини ҳам кўрмаяпман.

* * *

— Алло, азизам, айт-чи, менга турмушга чиқасанми?

— Аҳдинг қатъийми?

— Қатъий.

— Унда жиддий ўйлаб кўришимга тўғри келади. Беш дақиқадан сўнг телефон қил, айтаман.

* * *

Ёш келин-куёв жанжаллашиб қолди ва келин кўзларида ёш билан деди:

— Бўлди, бас, ҳозир юкларимни йиғиштираман-да, бир умрга уйимизга кетаман.

— Жуда яхши, — деди эр. — Ма, манови сенга йўл пули.

Келин пулни санаб кўрди ва ҳайрон бўлиб деди:

Қайтишимизга етмайдику.

* * *

Фалсафа фанидан лекция бўлаяпти:

— Фикри нотўғри эканини билганда тан оладиганлар ақлли одамлардир, — деди профессор. — Фикри тўғри эканлигини била туриб енгилган одамлар эса...

— Ўйланган одамлардир, — деди кимдир залдан.

* * *

Эр бор овози билан бақирди:

— Ким сенга бу гулларни столнинг устига қўй деди.

Хизматкор:

— Хотинин-гиз, сэр.

Эр:

— Бу гулларнинг ажойиблигини қара-я.

**Русчадан Б. УММАТОВ таржимаси**



Рассом Н. НУРМОНОВ

# ЎЗ БОШИГА ЎЗИ ЕТДИ

Ўғри ўғрини кундузи кўзидан, кечаси оёқ олишидан танийди деганларидек, Андижон туманидаги Хартум қишлоғида яшовчи Карим ва фарғоналик Даврон ҳам бир-бирлари билан ярим тунда осонгина топишишди. Оғиз-бурун ўпишиб, «яримта»ни юмалатишди, камига биттадан нашали папирос заҳрини ичларига тортишди-да, кейин қутиришди.

— Қонсираброқ турибман, — тишларини ғижирлатди илгари ҳам бир неча бор жиноят кўчасига кириб, суд ҳукми остида юрган Даврон.

— Мен ҳам шунақа кайфиятдаман! Кимгадир оч бўридай ташланиб, гажиб ташлагим келяпти!

— Кел, мол ўғирлаймиз. Бирортаси ҳалал берса, асфаласофинга жўнатамиз!

— Бизникидан бир неча уй нарида Исроил деган одам яшайди. Яқинда сигири туққан. Кеча мени қаймоқхўрликка таклиф этувди.

— Жуда соз, ўша ошнангизнинг бошига сув қуямиз!

Улар Исроилжоннинг ҳовлисига девор ошиб киришди.Бироқ сигирни бузоғи билан олиб кетиш тараддудини кўраётганларида уйдан бехос Исроилжон чиқиб қолди.

— Карим! Сенмисан?! — сўради у қоронғида бўлса ҳам ҳамқишлоғини таниб.

Каримнинг кўнглидан «Уҳ, кўриб қолди-ку» деган гап ўтди-ю, Давронга секин шипшиди:

— Боя, қонсираяпман деяётувдинг. Ана, ўлжа! Пичоқни ол!

Иккови Исроилжонга бало-қазодай ташланишди. Уни бири мушт уриб йиқитди, иккинчиси пичоқ тортди...

Исроилжон Юсупов яхши шофёр эди.

**ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН**

Ҳамқишлоқларининг илтимосини ҳеч қачон ерда қолдирмаслиги, хушмуомалалиги, эл-маҳалланинг «иссиқ-совуғи»дан қолмаслиги билан кўпчилик меҳрини қозонганди. Муҳаббатхон ҳам тилла узукка ёқут кўздай эрига жуда монанд тушганди. Эр-хотиннинг аҳиллигига, турмушларининг ширинлигига ҳамма ҳавас қиларди.

Шу Исроилжон ҳозир икки номарднинг оёғи остида басма-басига тушаётган оғир тепкилар ва пала-партиш урилаётган пичоқ зарбидан жон талашиб ётарди.

— Ҳаливери ўлмайдиганга ўхшайди, бўғиб қўя қол! — йўл кўрсатди Карим.

Шу пайт ичкаридан Муҳаббатхон чиқиб қолди. Ҳали нима бўлаётганини англаб етмай туриб, Даврон билан Каримнинг чангалига тушди.

— Мана энди тунда мол судраб ҳам юрмаймиз. Уйини шипшийдон қилиб қуяқоламиз! — хириллади, Карим. Яхшиямки, бошқа хонада оиланинг ғунчадек уч фарзанди — Наргизахон, Ойистахон ва Илҳомжон ҳеч нарсадан бехабар, пиш-пиш ухлаб ётардилар. Акс ҳолда, улар ҳам ёвузларга ем бўлардилар!

Эртаси куни қотиллар Юнусовлар уйидан ўмарилган қимматбаҳо буюмларни таниш аёллар орқали бозорда сотиб, пулини арра қилишди. Сўнг яна учрашишга ваъдалашиб, тарқашди. Орадан уч кун ўтар-ўтмас, жазо уларнинг ёқасидан тутди. Қонунга мувофиқ Даврон Абдукаримов 15 йил қамоқ жазосига, Карим Жалилов эса олий жазога ҳукм этилди...

**Муҳаммаджон АБДУКАРИМОВ**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир —Абдунаби ҲАЙДАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0129. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6